

Экологик барқарорликни асосий негизи

Хашим Артикбаевич Рискулов

Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали

Аннотация: Табиатни муҳофаза қилиш ва атроф муҳитни тозалигини сақлашда инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасига иқтисодий механизмларни янада кенгроқ жорий этиш;

Калит сўзлар: глобал, экологик, эрозиядан сақлаш, генетик, экологик тизимлар, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари

The main basis of ecological sustainability

Hashim Artikbaevich Riskulov

Tashkent State Technical University Almalyk branch

Abstract: In order to protect nature and keep the environment clean, for human health, to maintain ecological balance, effective and stable socio-economic development of the republic.

Keywords: global, ecological, erosion protection, genetic, ecological systems, landscapes and unique natural objects

Бугун дунёда кечаётган жараёнга назар ташласак, атроф-муҳит муҳофазаси, айниқса, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш долзарб масалага айланиб бораётганининг гувоҳи бўламиз. Бинобарин, XXI асрга келиб, инсоният глобал иқлим ўзгаришлари, биохилма-хилликнинг бой берилиши, сув танқислиги, қурғоқчилик, чўлланиш ҳамда саноат ва маиший чиқиндилар зиён-заҳмати каби қатор экологик муаммолар билан юзма-юз келдики, уларга оқилона ечим топмасдан табиатдаги мутаносиблик ва кишилиқ жамияти тараққиёти, бир сўз билан айтганда, сайёрамизнинг келгуси хавфсизлиги ҳақида баҳс этиш қийин.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш” Қонунининг 3-моддасида табиатни муҳофаза қилишдан мақсад:

- инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

манфаатлари йўлида табиатдан оқилона фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- жонли табиатнинг экологик ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;
- экологик тизимлар, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;
- экология хавфсизлигини таъминлаш;

Бу борада Президентимизнинг “экологик ҳавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади”, деган ибратли гаплари бежиз эмас албатта. Демак, Республикамиздаги экологик муаммо умумижтимоий масалаларнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, кенг жамоатчилик олдидага ҳал этилиши зарур бўлган вазифалардан биридир.



Қашқадарё тоғлари

Бинобарин, Ўзбекистон табиатини қўриқлаш масаласи республика учун зарур бўлган табиий бойликларни - тупроқни эрозиядан сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, сув ва ҳавони тоза сақлаш, хушманзара жойларни ва табиатинг ажойиб ёдгорликларини ўз ҳолича сақлаш қабиларни ўз ичига олади.

Мухтасар айтганда, айниқса мустақиллик йилларида табиатни муҳофаза қилишнинг янги тизими яратилишига эришилди, кўпдан-кўп ишлар амалга оширилди. Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда экологик муҳит барқарорлашуви кузатилмоқда. Лекин бу жиддий муаммо қолмади, дегани эмас, аксинча, узоқни кўзлаб, она табиатни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш йўлида янада қатъият билан ҳаракат қилишимиз лозим.



Жиззах тоғлари

Шу ўринда, келгусида мамлакат олдида турган қуйидаги устувор вазифалар экологик барқарорликни таъминлашнинг негизига айланса ажабмас: Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни йўлга қўйиш, сув захираларини ифлосланишини камайтириш;

Ерларни мелиоратив ҳолатни яхшилаш бўйича мажмуий чора - тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, ер ресурсларини ифлосланишини ва деградациясини олдини олиш. Ерларни рекултивация қилиш масалаларига алоҳида эътибор бериш;

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасига иқтисодий механизмларни янада кенгроқ жорий этиш;

Иккиламчи ресурслардан фойдаланиш, шу жумладан чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш;

Атмосфера ҳавосини ифлосланишига салмоқли ҳисса қўшаётган транспорт воситаларидан чиқаётган ифлослантувчи моддалар ҳажмини камайтириш. Экологик жиҳатдан хавфсиз бўлган транспорт турлари ва коммуникацияларини кенгроқ жорий этиш;

Биологик ресурслар ва айниқса балиқ ресурсларини ҳамда дарахтларни саҳлаб қолиш борасида кенг қамровли чора - тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

Мажмуавий ва аниқ таҳлилларга асосланган атроф табиий муҳит мониторинги тизимининг узлуксиз ва тўлақонли фаолиятини таъминлаш;

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шу билан бирга иқлимни ўзгаришини олдини оладиган қайта тикланувчи экологик тоза энергия турларини янада кенгроқ жорий қилиш;

Аҳолини ва айниқса ёшларни экологик онгини кўтариш, экологик таълим - тарбия тизимини такомиллаштириш ва умуман экологик тарғибот ишлари йўлида янада фаол иш олиб бориш;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш тизимини такомиллаштириш ва бошқалар.

Яшаш муҳити, табиат экология ва маънавият бир-биридан ажралмасдир. Она табиатни асраб-авайлаш ва уни асл гўзаллигича келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Farmonov, E., Berdimuratov, P., Kuymbakov, B., Mirzaeva, S., & Djumamuratov, D. (2023). Improvement of the state of degraded pastures by mechanized sowing of shrubs and semibrubs. In E3S Web of Conferences (Vol. 434, p. 03011). EDP Sciences.
2. Farmonov, E., Berdimuratov, P., Kuymbakov, B., Mirzaeva, S., & Djumamuratov, D. (2023). Improvement of the state of degraded pastures by mechanized sowing of shrubs and semibrubs. In E3S Web of Conferences (Vol. 434, p. 03011). EDP Sciences.
3. Куйбаков, Б. Б. (2022). К вопросу о влиянии экологии и здоровье населения. *Science and Education*, 3(6), 224-231.
4. Рискулов, Х. А., & Сариккулов, М. Х. (2022). Влияние аэрозольных выбросов промышленных предприятий на изменение климата. *Science and Education*, 3(4), 174-177.
5. Рискулов, Х. А., & Эргашев, Д. Й. Ў. (2022). Использование природных ресурсов и экологические проблемы. *Science and Education*, 3(4), 140-145.
6. Riskulov, K., Ergashev, D., & Turdikulov, A. (2022). Education of the younger generation in the spirit of love for nature. *Science and Education*, 3(5), 1284-1286.
7. Artikbaevich, R. K. (2023). DIMENSIONING HETEROGENEOUS SEDIMENTARY FUNNEL BASE FROM THE ACTION OF EXTERNAL LOADS TAKING INTO ACCOUNT SUBSIDENCE OF THE SOIL BY FINITE ELEMENT METHOD.
8. Бекимбетов, Б. М., & Акбаралиев, А. А. (2022). Инновация визуального и измерительного контроля компании «Creaform». *Science and Education*, 3(7), 72-75.
9. Бекимбетов, Б. М. (2022). Ультразвуковой контроль несплошности в сварных соединениях и в основном металле принимать по методом фазированный решетки, дифракционной-временной метод, мульти модальная цифровая фокусировка. *Science and Education*, 3(6), 259-266.
10. Бекимбетов, Б. М. (2022). К изучению вопроса экологии земного шара. *Science and Education*, 3(6), 86-93.